



INTELLEKT



2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

ИЖТИМОЙ-ТАЪЛИМИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 15-may № 9(17) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

Тил - алоқа воситаси, инсон маданиятининг ифодаси. Ҳар бир миллатнинг ўзлиги унинг тили ва адабиётида намоён бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда ўзбек тилининг нуфузини кўтариш, оммалаштириш, ўқитиш тизимини мукамаллаштириш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Республика таълим маркази томонидан янги ўқув дастурлари асосида яратилаётган ўзбек тили дарслигидан мақсад ҳам шу аслида.

Ўзбек тили дарслигининг янги наشري қандай афзалликларга эга?

Республика Таълим маркази ахборот хизматининг хабар беришича, шу пайтгача умумтаълим мактабларида ўзга тили синфларида "Ўзбек тили" худди ўзбек синфларига ўтиладиган "Она тили" каби ўтиб келинаётган, бу эса ўзга миллат вакилларига қийинчилик туғдириб, мавзуларни ўзлаштиришда муаммоларга дуч келишаётган эди.

Энди эса таълим тили ўзга тилда бўлган синфларда давлат тили - ўзбек тили ҳам чет тили каби ўргатилади. Миллий ўқув дастури асосида ўзга миллат вакиллари учун 2-синф ўзбек тили дарслиги яратилди. Ушбу дарслик 2021-2022 ўқув йилидан амалиётга жорий этилади.

Ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш кўзда тутилган янги дарсликлар тил ўргатишнинг халқаро стандартлари асосида яратилмоқда. Айна пайтда яратилган дарсликда ўз даври учун муҳим бўлган яна бир қанча қўлайликлар мавжудки, улар ҳам ўқувчида тил ўрганиш кўникмасини фаоллаштиради.

Янги яратилаётган дарсликлардаги бу каби ўзгаришлар, такомиллашувлар ўқувчиларни дарсдан безиб қолмасликка, дарс жараёнига қизиқиши ва ўзбек тилига ҳурмат-этиборини шакллантиришга хизмат қилади.

Файзулло Яхёев, ЎЗА.

Халқимизнинг уруш йилларидаги жасорати, матонати бадний-муסיқий композиция ва мушакбозлик асосида ифодаланди

Ғалаба боғида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 76 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар 9-май куни кечки пайт кўргазмали уруш лавҳаларию мушакбозликка уланди.



Бадний-муסיқий композицияда 1941-йилдан тортиб, Иккинчи жаҳон урушининг қўллаб-қувватлаш қатори ўзбек халқи бошига солган даҳшати, катта йўқотилари билан бир қаторда ўзбек халқи, хусусан, довурак ўғлонларимиз жасорати, жа-

фоқалиги ва қаҳрамонлиги акс эттирилди.

Халқимизга хос бағрикенглик, вафо ва садоқат хислатлари "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуасида Зулфия Зокирова тимсолида гавдалантирилди.

Боғ марказидан ўрин олган рангин фаворанинг икки ёнидаги йирик экранларда 1945-йилда эълон қилинган ғалаба садоси, уруш қатнашчилари кайфияти ҳарбий оркестр жўрлигида сахналаштирилди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 76 йиллигига бағишланган ушбу бадний-муסיқий композиция ва жанговар техникалар намоиши яна 10 кун давом этади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олийжаноб фазилатлар айнан оила муҳтида шаклланади.

ОИЛАДА ҚИЗ ФАРЗАНДЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОНАЛАРНИНГ РОЛИ

Ўзбек қизларини оилада оналик фаолиятига тайёрлашда оила, миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлашда билимларни, тажрибаларни қизларга бера олишга ўргатиш Ўзбекистон мамлакатининг тараққиятини ташкил этишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Агар оналарнинг қизларга берадиган билимлари, кўникма-тажрибалари давом этмаса, яъни аждодлардан авлодларга ўтказилмаса, оила ҳаёти ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам тўхтайдми. Шунинг учун оилада оналарнинг қизларга берадиган билимлари, тажрибалари оила ва ижтимоий ҳаётни давом эттиришнинг зарурий эҳтиёжлари талаби бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Демак, оилада ҳаётни давом этиши учун аёлларнинг ўзларини тарбиялаш шарт. Оналари тўғри тарбияламай туриб, қизлар ҳаётини давом эттириб бўлмайди. Қизларни келгуси оила ҳаётига тайёрлаш оилани, миллатни, мамлакатни, умуман, халқнинг ҳаётини давом эттириш деб изоҳлаш мумкин.

(Давоми 2-бетда) >>>

Сўнгги йилларда юртимизда китоб мутолааси, юртдошларимизнинг китоб билан ошно бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар энг устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шунинг учун ҳам, республикамиз бўйлаб ижтимоий келиб чиқиши ва жисмоний имкониятларидан қатъий назар, барча фуқароларни керакли адабиётлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқувчилари учун ана шундай қўлай шароитларни ҳозирлаган зиё масканларидан бири вилоят Кўзи оғизлар кутубхонаси ҳам жамиятимиз кишиларининг китоб ёрдамида билим ва маънавий озуқа олишлари кўмаклашиб келаётди. Дастлаб 1962-йилда ташкил топиб, қизил бурчак шаклида иш олиб борган ушбу кутубхона 1974-йилдан бошлаб кўзи оғизлар кутубхонаси сифатида фаолиятини давом эттирган. Бугунги кунда кутубхонанинг вилоят бўйича жами фонди 35 038 нусха бўлиб, шундан кўриш имконияти чекланган юртдошларимиз учун махсус брайл ёзувидаги китоблар сони 8 212, аудио адабиётлар 12 010, босма ҳарфли китоблар эса 14 411 нусхани ташкил этади.

Кутубхонанинг аъзолари бугунги кунда 11 774 нафар бўлиб, улар орасида мунтазам китоб мутолааси учун кутубхонанинг бир неча йиллик фахрий китобхонлари номига сазовор бўлганлари ҳам бор. Булардан Малик Раҳмонқулов, Каромат Раҳмонқулова, Парвиз Хайриев, Баҳрилло Бердиев,



Абдулхамид Абдуманнонов, Нишон Шакарқовлар кутубхонанинг фахрий аъзолари саналади. Кутубхона маъмурияти томонидан ходимлар ва фаол китобхонлар иштирокида ҳар хил қизгин тадбирлар, мусобақалар ўтказилиб боради. "Китобхонлик соати",

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАМРОВИ ВА ТЕЗҚОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10-май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдирот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг фармони мувофиқ, 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, янги концепция асосида ишлашни бошлаган эди. Ўтган вақт мобайнида агентлик тизими такомиллашиб, хизмат қамрови кенгайиб борди.

Хусусан, энди иш бошланган пайтда хизмат турлари 37 та бўлган бўлса, бугунги кунда улар 157 тага етган. Аҳолига кунига ўртача 57 мингтадан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Бунинг учун 117 та қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, соҳа ислоҳ қилинди. 70 дан зиёд давлат хизмати соддалаштирилди. Талаб этиладиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 500 кундан 271 кунга қисқартрилди. Буларнинг барчаси аҳолига катта қўлайлик яратмоқда.

Худудларда давлат хизматлари марказлари учун 145 та янги бино ва 115 та филиал барпо этилди. Фуқаролик ҳолати далолатномалари архивидаги 60 миллион дона қоғоз шаклидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шу билан бирга, хизматлар қамрови ва тезқорлигини ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Масалан, зарур маълумотлар тўлиқ рақамлаштирил-

маганлиги сабабли атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси орқали 30 турдаги хизмат кўрсатиш мумкин, холос. Ундан атиги 11 таси интерактив хизматлар. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Тақдиротда шу каби муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш, аҳолига қўлайликларни ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Хорижий тажриба асосида, шу йил якунигача давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини 200 тага етказиш вазифаси қўйилди. Барча 716 та давлат хизматини инвентаризация қилиб, уларнинг муддатлари, тўлов миқдорлари, шартлари ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича кўрсатма берилди.

— Давлат идораларининг халқимизга хизмати одамларни рози



қилишнинг асосларидан бири. Қайси кишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигига қараб, шунга шароит яратиш керак. Қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсиларини бепул қилиш масаласини таҳлил этиб, аҳолига енгиллик ва қўлайлик яратиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Идораларaro интеграция даражасини ошириш, Шунинг учун давлат хизматлари учун тўловларнинг 20 фоизини ташкилотларнинг ахборот технологиялари тизимини ри-

вожлантиришга йўналтириш, қоғоз шаклидаги архив ҳужжатларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари порталининг мобил иловасини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тўловларда чегирма бериш чоралари белгиланди.

Ўз муҳбиримиз.

Рекламанинг тарихи уни инсонлар эҳтиёжи нуқтаи назаридан келиб чиққанлигини кўрсатади. Шу эҳтиёжлар ва талаблар таъсири натижасида рекламалар бугунги кунда турли кўринишларга эга бўлиб бормоқда. Реклама тили шунчаки оммавий алоқа қонунларига, кейин эса умумий адабий қолидаларга бўйсунадиган экстремистик ва лингвистик ифода воситаларининг бирлашиши ва тилининг маданий, социологик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилувчининг аниқ маълумотни идорқ этишини ташкил этадиган махсус тил тузилишидир.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугун ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўз ифодасини топган. Шунингдек, мустақиллик таъсири ўлароқ кишилар шуурида янгиликлар, мушоҳада

РЕКЛАМАНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ



мавуларидан бири бўлган мазкур масала мазусидан бир неча тадқиқотлар ўтказилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Мазлумки, инсон ахборотни икки хил тарзда, яъни онг ва онг ости орқали қабул қилади. Онгли тарзда ахборот олган киши тўғриси ёлгондан ажрата олади. Болаларда эса бундай ҳолат йўқ. Улар рекламадаги ахборотни танқидий қайта ишлаб, ўзлаштириш қобилиятига эга эмас. Демак, кичкинтойлар ахборий жиҳатдан ўзларини ҳимоя қила олмайдилар. Ёши катта бўлгандан кейин эса ҳаётий тажриба ва мантикий тафаккурнинг ривожланиши натижасида ахборотларни танқидий таҳлил қилиш кўникмаси шаклланади. Айна кунда ёшларда тўпланган ахборот индивиднинг ижтимоийлашуви жуда катта аҳамиятга эгаллиги тез-тез тадқиқот натижаларида кўзга ташланмоқда. Хатто ёшликдаги кичкина таассурот, таъсир ҳам келажакда унинг шаклланишида асосий ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам реклама берувчиларнинг ахборотлари аксадосиз қолмапоти.

қоваларида, видео ўйин ва истироҳат боғларида жойлаштирилади. Бу эса махсуслотнинг оммалашшига сабаб бўлди, дейишга ҳақлимиз. Ҳозирги ижтимоий ҳаётда ишлаб чиқариш корхоналари ўз махсуслотини турли кўргазмалар воситалар ёрдамида матбуот, телевидение, радио орқали тарғиб қилиши кучаймоқда. Реклама нафақат махсуслотни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намоиш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот етказувчи, инсоннинг руҳий-интеллектуал ҳолатига тез таъсир этувчи, тил имкониятларини ўзда акс эттирувчи тезкор омили ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, рекламадан англаш баробарида турли тасавурлар, билимлар ва хулқ кўникмалари шаклланади. Реклама таъсир этиш хусусиятига кўра катталарга когнитив - онгли тарзда, болаларга эса аффектив - ҳиссий таъсир этади. Реклама берувчилар томонидан ёш болалар маълумотни яхшироқ, умрбод эслаб қоладиган даражада ўзлаштирадлар, деб ишонадилар.

(Давоми 2-бетда) >>>

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Бутун дунё аҳолиси ҳаётга жиддий ҳавф солаётган कोरोनाвирус инфекциясига қалинишни олдини олиш ва фуқароларнинг соғлигини сақлаш мақсадида юртимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикамиз бўйлаб ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда аҳолини коронавирусга қарши босқичма-босқич эмлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Жомбой туманида ҳам аҳолини коронавирус инфекциясини юктириб олишдан ҳимоя қилиш учун 2021-йил 7-апрелдан эмлаш ишлари бошлаб юборилди. Биринчи навбатда, 85 ёшдан юқори, 75 ёшдан 84 ёшгача, 65 ёшдан 74 ёшгача бўлган кексалар ҳамда тиббиёт ходимлари эмланади. Ушбу қатламда 2 700 га яқин аҳоли рўйхатга олинган бўлиб, 65 ёшдан юқори қариялар ва сурункали хасталиги бўлган фуқароларнинг 100 фоизи эмлаб бўлинди.

Бундан ташқари, тумандаги мавжуд мактабларнинг "Covid-19" га қарши вакцина олиш истагида бўлган педагог ходимлари ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини эмлаш тадбирлари 27-апрелдан бошланган бўлиб, инфекцияга қарши эмланганлар сони бугунги кунда 60 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирда эмлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Анвар ЮСУПОВ, туман санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиғи.

Муниса НИЗОМОВА.

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда)

Among the trees in the pale moonlight, Majiddiddin came across Husayn Boyqaro, he humbly approached the Sultan and respectfully asked him to pay attention to him for a minute. - Come on, let's listen to your request, - replied indifferently Husayn Boyqaro and went to a little house. At this time, two huge shadows appeared behind the Sultan at ten paces from him. Majiddiddin hesitated not knowing whether to go on or stop. These were two terrible bodyguards of the sovereign by the names - Doolana and Budana. Wherever Sultan Husayn was, they would always, especially at night, follow him, cleverly hiding from the people. Those who talked about Budana and Doolana were right: "Seven grandfathers of them were executioners and seven grandmothers of them were witches." Both were living embodiments of brute force; with a sound of their names anyone would shiver with fear. Their sovereign carried out dark bloody deeds with their hands. Husayn Boyqaro mockingly looked at Majiddiddin. Budana and Dulana instantly disappeared like a shadow again! The Emperor entered the small ornate house. Majiddiddin, with his still shaking legs, even without asking permission stood on his knees in front of the emperor. Now Husayn Boyqaro was already very tipsy. Squinting his drunken eyes he began chatting aimlessly jumping from state affairs to his personal ones and hinted his displeasure about some of his relatives without any reasons. Drunken candor encouraged Majiddiddin. Following the proverb "Strike the iron while it is hot", he began to praise the sultan several times and repeated the following with his arms folded again and again:

— I am the most loyal dog in your doorstep.

— Faithful people will be always praised, but who is ungrateful will be punished! - said Husayn Boyqaro. Majiddiddin rose to his feet and said respectfully:

— Great King! Your despicable slave has a gift for you... I hope that you will accept it and raise the heart of your servant up to the heaven...

— Offering gifts and taking them is a superb deal, - said Husayn Boyqaro with a smile.

— The breath of fate brought us a fresh rose from the garden of beauty - said a mysteriously Majiddiddin. — Your slave cannot describe it to you. As soon as my eyes fell on this girl I realized that she was worthy of you.

Husayn's eyes lit up with lust.

— This gift is nicer than giving a whole kingdom. - said Husayn.

— This is only a small gift of your servant, - modestly bowed Majiddiddin.

Do you remember the famous ghazalle by Hafiz Shirazi?

— No, I do not remember, Your Majesty!

Husayn Boyqaro, shaking his head in tact, read it:

Agar on turki sheroziy ba dast orad dili moro,

Ba holi hinduyash bahsham Samarkandu Buhoro (Meaning: if that beauty from Shiraz can occupy my heart, I will present Bukhara and Samarkand for only her black mole)

— Yes, I remembered it, - said Majiddiddin getting happy, - I even heard about the story which took place between your grandfather Timur and the poet.

— This story is very famous with people.

Majiddiddin asked how to deliver the gift to the king's harem. Husayn Boyqaro paused and suddenly rose and headed for the exit. Pausing

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

NAVOIY

for a moment in the doorway, he said:

— I want to take you from Mirzoyi Kichik.

— For me, it is a great honour not only to serve at the foot of your throne, but also I will be proud to serve you as your warrior, - said Majiddiddin.

When they returned to the hall, the banquet was in full swing. Majiddiddin proudly went after the king and sat on his original place. beks and officials pointedly looked at each other. The party lasted until the morning. Majiddiddin, whose sleepless eyes were about to close, was tired and returned home. From high minarets of mosques, the ringing voice of the muazzin started to sound. Gardeners and farmers hurried to the market through the main road leading to the gate Mulk. They stretched from the gate driving their loaded horses and donkeys or just carrying on their heads large baskets with grapes and other fruits.

As soon as Majiddiddin arrived home he called his wife, who had not washed her face and hands yet and ordered her to dress up Dildor in the best dresses and jewelry and send her to the harem of the emperor. Then he threw himself on the bed without taking his clothes off. At noon he was woken up by good news: according to the royal decree he was appointed as parvanachi.

CHAPTER IX**I**

After a bit of frost and awaited snow, a white shroud covered trees and roofs and had not melted for two days. In the palace of the sultan, the work for winter has been

prepared with their peculiar pleasure and entertainment.

Navoiy, according to the existing custom among the aristocracy in Herat, wrote to one of his friends "a snowy letter", which drew a poetic picture of the winter and vibrant colors of the depicted experiences in his heart.

Tuzulgay yor ila bazmi visoli, Vale agyoridin ul bolsa holi. Soqiyoy, day shiddatidan aqlu hush betob erur, Chorasi jomi bullurin ichra la'li nob erur.

Husho bazm aro ru, may bolsay day, May andoqqi out, ot andoqqi may.

(Let the luxurious to be a feast day in meetings with the road,

But I want to be at the feast with them alone!

About cupbearer, from winter my mind faded, faded

enthusiasm. He was a true magician of the word. Any fleeting thought, any subtle, elusive peace of movement, the excitement of feeling in the heart, he knew how to put them into words with remarkable brightness: he could show the waves of the sea with his words, with a spark he could kindle a lot of light from everyday life and create sublime, deep legends... He was a poet who had mastered the millennial culture treasures of thought for many centuries. The genius of his poetry was deeply rooted in the soil of art of Arabs, Iranians and the Turks, blossomed in their undying force.

Navoiy knew by heart tens of thousands of poems. At the age of four he learnt a lot of poems by heart; and at the age of nine he engrossed in scientific, philosophical works; as a child he undertook discussions with

experienced poets on the art of poetry.

The pen glides across the paper steadily. The word loosely strung on the golden thread of verse. They burn in rows like pearls sparkle with new colors and new luster. The poet celebrates the sheer beauty of the simple language of his poems. The lines filled the page. It was a new bouquet of flowers in his native language. The poet put aside the pen and read to himself the poem which means the following:

Oh, if you did not bring to the world of beauty,

all the more tender roses,

Oh, if you have not plunged the world into turmoil passions

Oh, if I have not seen your face Radiant -

Your love yourself as ruthless and evil.

When severe, it is my soul sorrow made,

Ah, if she does not know me, that I did not know about it!

Liar! Oh, if you do not bestow caresses me.

Languishing I craved meetings and your tenderness.

Feigned penchant me igniting me Oh, if you do not become suddenly colder Elbrus,

Oh, if I rejected you learn about your deception

I would not languished, would not become ridiculous in the eyes of people.

But I'm mad, I straitened by the world!

Oh, Seli passion kills me "let kill quickly.

Pretty complaints Navoiy! Cute

The windows were firmly locked. There was a furnishing with refined taste and some internal harmony and a glowing brazier filled with bright red coals in the middle of the room. On the stained upper part of the glass windows the rays of the winter sun were playing. Navoiy sat near the brazier putting a book on the book sheet of colored paper on his lap. Slightly tilting his head covered with a pointed skullcap, the poet started to write with his pencil.

The throes of creation are compared with pangs of childbirth. When Navoiy's heart is awakened by the throes of creation, this suffering gives him the highest degree of pleasure, consoling like the song of Mother and giving life and joy like the sun. He writes so easily with such sincere, joyful

deceived you, And all about "if, "and" when used "not touched her heart"

The poet put the ghazal between pages of a book. In a sigh of relief, he stood up and put the inkwell on the shelf. His eyes rested on the casket of ivory and Chinese dishes. Navoiy loved graceful things. He thought: "There are many amazing masters in all fields of art in Khorasan. There are many talented craftsmen, skilled, hardworking people among the people of Khorasan. Why, for example, Chinese porcelain, Chinese silk, Kashmir shawls cannot be produced in Herat? We should develop these crafts, it is necessary to encourage the people that may raise these crafts to the high level of art!" Navoiy remembered the amazing items made by the hands of masters of Herat which he had recently seen at the festival of artisans. He was convinced that many imported items from distant countries could be manufactured in the Herat.

Navoiy got cold. He sat in front of the barbecue and slightly took the copper tongs of ash coals. Then he folded his arms and surrendered

again by poetic fantasies. "An hour of thinking is better than a year of piety!" He wanted to create a great poem to show the strength and beauty of his native language. His thoughts soared in the lovely gardens of ancient legends. Why are the golden gates of these gardens closed to his people?! Are his people inferior in everything to the Arabs or the Iranians? No! He must create for his contemporaries an unfading flower garden of poetry!

The door opened slowly and Sheikh Bahlul appeared who had recently been hired by the poet. He was a modest, educated and soft in nature, humble young man. Sheikh Bahlul appreciated his master's talent and considered it an honour to serve him.

— Please, what do you want to say? - asked absently Navoiy.

— His Majesty Sultan inquired about you in the palace - Bahlul Sheikh replied.

Navoiy paused, lowered his head, then said in an angry voice: "Tell him I'll be there soon." Sheikh Bahlul nodded and left. Then the poet draped on a silk robe trimmed with beaver fur. On the street, at the gate, he got on his horse and went to the palace.

In the Tarabkhona (The name of one of the palaces in Herat) the clerks met Navoiy with the usual

deference. The poet went upstairs. There were four hujras on the four sides and there was a vast hall in the middle of them, the walls of which had pictures of battles and campaigns. Husayn Boyqaro received Navoiy in this room. After the customary bow Navoiy inquired about the health of the Sultan and sat down and glanced out over the painted walls. He carefully paid attention to the heroes: they lift up their horses, throw arrows defensively as a shield against the attacks and hold the sword over the head of the enemy. He did not notice liveliness or motion in their faces. Husayn Boyqaro began to complain about some rulers of the state. Taking this opportunity Navoiy expressed his observations and suggestions concerning public affairs. He said it was necessary to pay attention to agriculture and handicrafts promoting the prosperity of the country, and especially he pointed out the importance of patronizing scientists, poets, artists and musicians. A Sovereign must always be aware of what is going on in the capital and in all the regions of the country, he must carefully monitor the activities of his officials, - said Navoiy. Husayn Boyqaro listened to the poet attentively. Then, gently pushing back his astrakhan hat and smiling, he announced why he

had invited the poet there: he offered Alisher the post of Emir in the chancellery. This proposal excited Navoiy.

— Once again you pick up this complicated issue, - he said. — and yet, you know that your humble servant has objections on this matter.

Husayn Boyqaro frowned: — We have considered these objections, but we found your arguments unconvincing. Our hearts will not rest until we elevate you to the position of Emir. There is no man who can equal you in our country. By the will of Allah, our decision will bring good results.

— Thank you for your royal mercy, but, if it is possible, please, release me from any official posts... - Navoiy said flatly. - Being Emir and sealing in the chancellery is an honourable thing, but my heart is more inclined toward my freedom. I wish to serve the state and the people with a pure heart. Perhaps my objections seem meaningless, but if you think about it - I'm sure they will become apparent to you. After all, if I accept the position of the Emir, many noble people will be sad. The soul of man is not free from weaknesses. Unnecessary gossips will rise. Hypocrisy will replace the friendship...

Husayn Boyqaro waved indicating that the decision had

already been made.

— If we wanted anything to happen we cannot stand objections, - he said smiling. — We will give order that no Emir cannot sit above you in the meetings. As the Emir Muzaffar Barlos and you are good friends, only he will be able to sit above you to put his stamp if you will allow me. Now it's up to the stars. Once stargazers appoint the happy hour, you will attach the print.

Navoiy tried to bring new objections, new evidence, but Husayn Boyqaro did not want to hear anything. Eventually Navoiy had to thank him for unsolicited grace of the sovereign. Husayn Boyqaro invited him for the day's evening feast.

The poet came down to the lower floor of the Tarabkhona. Navoiy's friends were gathered in one of the rooms. They were: Pahlavan Mohammad Sayeed, the vizier Khoja Ato, Khoja Abdullah Marvoriy and others. They all stood up and greeted Navoiy cordially. Khoja Ato was a modest man. He carried out his work very carefully without any noise. Muhammad Sayeed was a skillful fighter, musician and poet and a great friend of Navoiy. Pahlavon started to speak slowly through his thick lips and told them many interesting things about the art of fighting. He took his nineteenth year old nephew from his madrasah for some time to prepare him for the meeting with the famous foreign fighters, who were expected to come to Herat and talked about how he was training him. Then the conversation turned to poetry, music, philosophy, dervish and other abstract themes. Khoja Afzal entered and congratulated Navoiy on the mercy of the Sultan. Friends received the news about the new appointment of Navoiy with great joy. Navoiy was surprised that the news about his appointment spread so quickly. Pahlavan, smiling with his broad bearded face, said excitedly: — This is the golden page in the history of the ancient Khorasan!

— Today is the birthday of the people's happiness, - added Khoja Afzal.

Majiddiddin, Nizomulmulk, Emir Mogul and some other beks entered. They greeted the poet as if they knew nothing about the news, but their eyes were telling that they were aware of it. Parvanachi Majiddiddin tried to keep himself haughtily as much as possible now. Emir Mogul glanced at Majiddiddin, winking his drunken eyes. Majiddiddin also gave him a strange sign. Some barlos beks were morose and silent. Only tricky Nizomulmulk, as usual, discharged and uppity, like a peacock, tried to show himself as a devoted friend of the poet. He approached the poet and whispered and congratulated him on the high position.

(Давоми кейинги сонда)

(Охири. Бошланиши олдинги сонларда)

Ярим тунда икки ниқобланган одам девордан ошиб Хайдар бобонинг ховлисига тушишди. Улар илгари мархум Хайдар бобо яшаган хона эшигини бузиб ичкарига киришди. Ичкаридаги ҳамма нарсага ағдар-тўнтар қилиб ниманидир ахтаришди. Шу пайт хона чироғи ёнди.

— Манавини изламайсизми? - деди эшик олдида турган Дилшод.

Унинг қўлида бир жуфт этик бор эди. Ўғрилар бир-бирига қарашди. Улардан жуссаси каттаси Дилшодга ташланди. Участка ноизири тезлик билан чап бериб бир зарба билан ўғрини ерга қулатди ва қўлига кишан солди. Уларни жимгина кузатиб турган иккинчи ўғри кўркүвдан титрай бошлади. Дилшод полда ётган ки-

ришни ажойиб тарзда уюштиради. Кейин сизлар мақсадингизга эришдингиз, яъни жабрдийда аёл сифатида кишлоққа кўчиб келдингиз. Сизга Оқ чангал керак эди.

— Уша ташландиқ жойингизни бизга нима кераги бор - деди Ёқуб.

Дилшод унга шундай қарадики, Ёқубнинг юраги орқага тортиб кетди.

— Ёқуб Аҳмаджонов, сизни муқаддам судланганингиздан хабарим бор. Сиз оғурурушлик билан шуғулланасиз. Гиёҳванд моддаларни юртимизга олиб кириш хавфли эди. Илгари кўлга тушганингиз учун бунга яхши билардингиз. Шунда сиз гиёҳванд моддани ўзингиз етиштиришга қарор қилдингиз. Бунинг учун сизга

даги қоронғу бурчақда ўтирган эрингизнинг кўрсатмаси билан бечора қарияга учига заҳар сурилган нина санчи оласиз. Кунни кеча қабрини экскуматсия қилдириб Хайдар отанинг мурдасини экспертизага бергандим. Тиббий-экспертизадаги қариянинг танасидан заҳар топилганини айтишди.

Чолдан қултингиз, аммо қутилмаганда Оқ чангалга ташриф буюрган Шербек сизни саросимага солиб қўйди. Ёқубнинг кучли зарбасидан бечора йигит ҳам ҳалок бўлди. Жасадини Оқ чангал яқинидаги қум тепада ҳосил бўлган табиий ўрага олиб бориб ташлагансизлар. Лекин тиконаларни босиб келган йигитнинг оёқ кийимининг остига гиёҳванд модда қолдиқлари ёпишиб қолганди. Шу боис йигитнинг оёқ кий-

имини ечиб олгансизлар. (Детектив ҳикоя)

Муаммо кўпая бошлаган, тезлик билан "ҳосил"ни йиғиштириб олгансизлар. Из қолдирмаслик учун тиконзорга ўт қўйиб юборгансизлар. Бу ҳали ҳаммаси эмасди. Анора Файзи чўпоннинг оёқ кийимида ҳам оғунинг қолдиқларини пайқаб қолади. Шунда Файзи чўпоннинг ўзини осиб қўйишини ҳам уюштиргансизлар. "Ҳосил"ингиз йиғиштириб олинмасидан аввал Оқ чангалга борганларнинг иккитасининг оёқ кийимидан халос бўлганингиздан сўнг муаммоларингизнинг бош сабабчиси Хайдар отанинг оёқ кийимини йўқ қилиш пайига тушгансиз. Мен сизларга тўзоқ қўйдим ва Хайдар отанинг уйда ҳеч ким йўқлигини уюштириб, оёқ кийимини излашингизга имкон яратиб бердим. Оқибатда эса сизлар билан шу ерда учрашдик.

— Гапларингиз қуруқ тўхматдан бошқа нарса эмас! Бизнинг айбимиз йўқ! - деб бақирди Анора.

— Ҳа. Қўлингизда далил йўқ! - деди Ёқуб.

— Шаҳарлик ҳаммасларим билан боғландим. Улар шаҳар четидagi бефайз уйингиздан Оқ чангалда етиштирилган кўнорини топишди. Бу ҳам сизларга камми? Эр-хотин Аҳмаджоновлар, сизлар қасддан одам ўлдириш, гиёҳванд модда етиштириш ва ўғирлик қилишда айбаниб, қамоққа олинасизлар!

Ёқуб ҳаммаси тамом бўлганини тушуниб кўзларини юмди. Анора эса ҳиқиллаб йиғлай бошлади.



хавфсиз, эътибордан четда ташландиқ ер керак эди. Айримлардан эшитганингиз Оқ чангал ана шундай ер эди. Кераксиз, ташландиқ, эътибордан нари, энг муҳими, ҳеч ким бу ерга келмайди. Сиз бу ерга яширин равишда бир неча марта келиб кетгансиз. Аммо Оқ чангалга серкатнов бўлиб қолишингиз одамларда шу бҳа уйғотарди. Шу сабаб тиконзорда қолиб, кўнорни етиштиргансиз. Хотинингиз ҳар кеча сиздан хабар олиб турган. Форда яшаб кун кечирганингизни у ердан топиغان сигаретангиз қолдиқлари тасдиқлайди. Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳар ойда вертолётда айланиб қўриқ ерларни назорат қилади. Сиз уларни чалғитиш мақсадида кўнорини тиконлар орасига эккансиз. Табиийки, тиконлар орасидаги гиёҳванд моддани ҳеч ким кўрмайди. Хуллас, йўқолган молини излаб Хайдар ота Оқ чангалга келиб қолмагунча ҳаммаси яхши кетатганди. Гарчи у қоронғуда ҳеч нарса пайқамаган бўлса-да, фордаги Оқ чангал парисини кўриб қолади. Бу пари сиз эдингиз Анора! Чолни кўриб қўрқиб кетасиз. Зорнинг боши-

шанланган ўғрининг ниқобини олиб ташлади. — Салом, Ёқуб - деди алам билан унга қараган ўғрига.

Хонага кириб келган Акмал тошдек қотиб қолган паст бўйли иккинчи ўғрига яқинлашиб келди ва қўли билан юзидаги ниқобини олиб ташлади. Ўғрининг узун сочлари белига тушди. Унинг думалок, оппоқ юзи янада оқариб кетган, гунча лаблари кўркүвдан титради. Бу ўғри Анора эди.

— Уйин тугади, Оқ чангал париси! - деди Дилшод.

— Сиз... сиз бунга қандай аниқладингиз? - деди Анора йиғламсираб.

Дилшод аёлга яқинлашди ва бирдан юзи буришди.

— Шу атирингиз сизга панд берди! - деди.

— Нима? - деди Анора ҳеч нарсага тушунмай.

— Сиз сепадиган атирингиз ҳидидан кўнглим айнийди. Ҳиди жуда ўткир. Аммо бу ифтор менга ёқмайди. Оқ чангалдаги гордан ҳам айнан шу ҳид анкиб турарди. Файзи аканинг уйига борганимизда бизга овқат олиб келганингизда ҳам шу ҳидни сезгандим. Шу сабаб шаҳарга бориб сиз ҳақингизда яхшилаб суриштирдим. Сиз Файзи аканинг сингилсизга қўшни уйни ижарга олгансиз. Қўшни-қўшнига эрингизнинг хорижга кетгани ҳақида ёлгон эртак тўқигансиз. Аслида эрингиз, яъни манави кимса Ёқуб ҳеч қаерга кетмаган. Бу олдиндан тузилган пухта режа эди. Сиз ёлгонларингизга шаҳарга кўчиб борган қишлоқлик содда кўшнингиз, Файзи аканинг сингилсини ишонтиргансиз. Шаҳар четидagi ўз уйингизда қолган эрингиз бир кеча дўсти билан сиз яшаётган ижара уйга бостириб

ЖЮЛЬ ВЕРНИНГ ОРЗУЛАРИ

Самарқанд давлат чет тиллар институти Роман-герман тиллари факультети 2-босқич талабаси Азиза ХАЙРУЛЛАЕВА француз тилидан ўзбекчага таржима қилди.

Ой ва Жюль

1839-йил, Нант шаҳри. Тун. Бутун олам уйғоқ ой оғушидаги ширин уйқуда. Сокин тун қўйнида фақат ой уйғоқ ва у қўқдан туриб шаҳарга, ундаги уйлар, кўчалар, ҳатто Луара дарёсига боқарди.

Бу азим дарё улкан денгиз томон оқади. Шунингдек, ой яна дарё бўйидаги портлар ҳамда кемаларга ҳам меҳр ила нур сочиб турарди. Буларнинг барчаси сокин тун аллалаётган ноз уйқуда.

Кемалар гўё узундан-узоқ саёҳатлар чарчогидан сўнг ором олаётгандек ҳоргин уйқуда. Бепоён мовий денгизнинг пўлат тулпорлари ер юзининг кўплаб қисминини, яъни Скандинавия, Африка, Хитой, Жиндистон, Америка ва шулар қаторида Австралияни жуда яхши танийди.

Улар бутун ер юзи аҳолисини кўриб чарчаган ва шунинг учун улар ҳозир мароқли ҳордиқ олимшодқа. Қизик, ... Улар ҳам уйқулариди туш кўришармикан? Бўлиши мумкин...

Қўқда нур сочаётган ой тушини ҳуш кўради-ганларга бир-бирдан ажойиб тушлар тортиқ қилмоқда. У, айниқса, кемаларни яхши кўради. Чунки ой тунда кемаларга денгиз узра йўл кўрсатади. Қолаверса, у тунда кемалар портада ёлғиз қолганда уларни ёрқин нурлари билан кўриқлайди, балки уларга ширин тушлар, саргузаштлар ҳамда уфқнинг янгидан янги гаройиб ва ҳайратомуз ҳаёлларини ҳам юборар.

Ой нафақат кемаларни, балки кувноқ ва шириндан шакар болаларни ҳам ардоқлайди. У ҳар доим орзулар қилади, ҳаёллар сурадиган болам билан суҳбатлашади. Нантдаги 1839-йилнинг бу оқшомида ой ўз қраватида улаётган Жюлга қаради. Унинг деразаси гўё саргузаштлар учундек ланг очик эди...

Жюль 11 ёшда. У Нант шаҳрининг мўжазигина ўша ерида, дарё ёнидаги бир уйда яшайди. Уйнинг деразаси орқали бепоён сувлик ва ундаги кемаларни кўриш мумкин. Шунингдек, унинг деразасидан ойни ҳам кузатиш мумкин.

Оилада Жюльнинг бир акиси бор бўлиб, унинг исми Пол. Унинг Анна ва Матилда исмли сингиллари ҳам бор. Анна атиги 3 ёшда. Матилда эса хали чақалоқ. Жюль акасини яхши кўради. Улар биргаликда жуда ҳам кўп уйнашар ва жуда кўп орзулар қилишарди.

Худди ойна ўшаб, Жюль ва Пол ҳам қайқиларни жуда яхши кўради. Шу сабабдан уларни тез-тез кузатишарди. Ака-укалар ўзларининг қайқилари бўлишини жуда-жуда орзу қилар-

дилар. Кун бўйи болалар портада у ёқдан бу ёққа югуришадилар ва кемага кўтарилиб жўнаб кетишни орзу қилардилар. Денгизга саёҳат! Дунёни қайта кашф этиш! Саргузаштлар оламиди яшаш! Буларнинг бари улар учун роса қизиқарли.

Тунда эса ухлар чоғида тушларида орзулар

қилишда давом этардилар. Улар ҳаётан денгизларга чиқишар, ҳеч нарсадан, ҳатто қароқчилардан ҳам кўришмасди! Болалар кашфиётчи ва саргузашт ишқибозлари бўлишарди. Улар номаълум ва сирли ерларни кашф этардилар. Улар буюк ихтирочи. Яъни, катта тезликда узоқ-узоқларга бориш учун ақл бовар қилмайдиган машиналар ихтиро қилардилар.

Ой бу икки ака-укага гайриоддий тушлар юборишдан асло чарчамайди. Аммо, Жюльнинг тушлари, ахтимом, энг гўзали эди...

Денгиз ва унинг сирли ороллари...

Жюль порт яқинидаги Нант шаҳрида яшайди. У акиси билан ҳар кун қайқиларни роса қизиқиш билан томоша қилишарди. Аммо, Жюль ўн бир ёшгача денгизни кўрмаган. У уни фақат тушларида кўрган, холос ... Шунга қарамасдан, Жюль дунёнинг барча денгизларини ўзининг тушларида кезиб чиққан эди.

Кўпинча ака-ука Жюль ва Пол чердақда уйнар эдилар. Улар жовонлардан турли хил заминалар, денгизларнинг кийимлари ва турфа нарсалар топишарди. Уйин давомида ҳатто кийим-бошларни ҳам алиштириб

Азиз талабалар! Бу лойиҳада сиз иштирок этишингиз ва ўзингизни ижод соҳасида бе...

«Энг интеллектуал талаба» лойиҳасининг бу гагги ғолиблари билан танишинг. Газетамизнинг олдинги сонидида чоп этилган «Рамазон» ҳикоясининг давоми ва саволларнинг тўғри жавоби куйида келтирилади.

Рамазон

Ҳикоянинг биринчи якуни

...Рамазиддин журналист бўлиб ишлаганиги сабабли иш жойида танлов бўлаётганлигини эшитди. У танловда ўзининг мақоласи билан катнашди.

Рамазиддиннинг бундай юришини кўрган онаси уни ёнига чақирди ва -"Бунчалик сиқилмагин, ўғлим, насиб



қилса, Аллоҳим хоҳласа, ҳали ишларинг юришиб кетади. Ҳозир Рамазон оғи бўлса, қандай ният қилсанг амалга ошадиган ой" - деди ва уни узундан узок дуо қилди.

Орадан уч кун ўтиб Рамазиддин ишлаётган жойда мажлис бўлди ва Рамазиддинга бошқариш унинг мақоласи танловда энг яхши мақола ва ўзи энг ёш журналист сифатида ғолиб бўлганлигини айтиди ва унга мукофот пули берилди.

Бундан Рамазиддин жуда ҳам хурсанд бўлди. Онасининг ёнига келиб "Онажон мен тан-

ЭНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЛАБА



Рамазиддин уйига қайтди. Ифторлик вақтида турмуш ўртоғи ош қилган экан, бутун оила бир дастурхон атрофида

йиғилиб ифторлик қилаётган вақтда болалар Рамазон айтиб келди. Рамазиддин уларни турли хил ширинликлар билан сийлади.

Гулираъно ИСАХОНОВА, СамДЧТИ 1-босқич талабаси.

Ҳикоянинг иккинчи якуни

Бир куни у ишдан қайтаётганида, йўлда бола кўтарган бир аёлни учратди. Бола тинимсиз йўлларди. Аёл еса боласининг бу ҳолатидан ич-ичидан эзилган, нима қилишини



билмас эди. Рамазиддин уларнинг ёнига бориб нега бу ҳолга тушганлигини сўради. Аёл эри вафот этганилиги, кайнонаси эса уйдан чиқариб юборгани, бошқа борадиган жойи йўқ эканлиги ва бу ерда қариндошлари йўқлигини айтди. Рамазиддин меҳрибон, оққўн-

гил инсонлиги сабабли бу ҳолатга жим қараб туролмади ва ёрдам бериш ҳақида ўйлади. Америкадаги тоғасининг уйи ёнига тушди. Чет элга кетишидан олдин Рамазиддинга қараб тур деб ташлаб кетган эди. Аёл ва унинг фарзандларини ўша уйга олиб бориб

Ижодкорлик



жойлаштирди. Аёл жуда хурсанд бўлди ва миннатдорчилик билдириб, Рамазиддинни дуо қилди.

Орадан кунлар ўтди, Рамазон ҳам кирган эди. Рамазиддиннинг ишлари ҳам ўнгидан кела бошлади. Ишхонада лавозимини кўтаришди. Қарзларини ҳам бирин-кетин уза бошлади!

Шахло ВАЙДУЛЛАЕВА, СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети 1-босқич талабаси

Ҳикоянинг учинчи якуни

У оиласини соғинар, бироқ тезроқ моддий аҳволини яхшилаш истаги тинчлик бермасди. Бир талай қоғозларга кўмилиб ўтирар экан, негадир ўзидан нафратланиб кетди. Шу кунги асаблари жойида эмаслигига қарамай, бир саҳифа материални ёзиб ташлади.

Бошлиғи Рамазиддинни жуда тиришқоқ, интилувчан, биллими, масъулиятли журналист эканлигини яхши билар эди. Шунинг учун бош муҳаррир ҳар йили 3-майда бўлиб ўтадиган "Олтин қалам" кўрик-танловига унинг ижодий ишларини юборганди.

Рамазиддиннинг назарида касбига бўлган меҳри йўқолаётгандек эди, гўё. Ё адашди-микан?! Йўқчилик кишини не қўйларга солмайди, дейсиз. У

ифторликдан сўнг бироз тин олди. Яратгандан ўзига мадад тилади. Ахир у фақат пул учунгина севимли ишини ташлаб кета олмасди.

Ҳозирги газетадаги ўрнига озмунча қийинчиликлар билан эришди? Ҳаммасини ўйлар экан, кўнгли алланечук ёришиб кетди. "Ҳаммаси яхшиликка бўлади", дея бор тушқунлигига хотима бериб кўя қолди. Инсоннинг ҳаётга муҳабати қанча кўп бўлса, бўлаётган ҳар бир ишдан ҳикमत топаверар экан.

Дам олиш куни оиласи билан ўтирган эди, бошлиғи кўнғироқ қилди ва жуда ҳам кувончли бир хабарни айтди. Рамазиддин "Олтин қалам" танловида ғолиб бўлибди. Диплом билан биргаликда пул мукофоти ҳам бор экан. У севиниб кетди.

Тақдирлаш маросимида мукофотни олган пайтдаги хурсандчилигини эса таърифлаб бўлмас эди.

Сарвиноз МАМАНОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Куйида газетамизнинг ўтган сонидида берилган саволларнинг тўғри жавоблари билан танишинг:

- 1. Географик жиҳатдан ҳар бир хуудуни яхши ўрганиб олишлари учун.
2. Тақинчоқ номи - марварид;
3. 60+50-40+30-20-10=70;
4. Тижорат билан шуғулланувчилар, савдогарларга;
5. Арасту ёки "Аристотел";
6. Француз файласуфи Р.Декарт;
7. Харита.



Зарина САФОЕВА, СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети талабаси.

Куйида берилган ҳикояни давом эттириш ва саволларимизга жавоб йўлланг. Лойиҳамизнинг кейинги ғолиби айнан сиз бўлишингиз мумкин!

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ

Отаназар ота 86 баҳорни қарши олганига қарамасдан ҳали ҳам сергайрат инсон. Икки ўғил, икки қизни ўқитди, уйлантириб, узатди.

Мана фарзандлари шаҳарда обрў-эътиборли ишларда ишлайди. Қўшнилари Отаназар отага ҳавас қилишади. Аммо Отаназар ота фарзандларининг дийдорига неча йиллардан буюн тўйгани йўқ.

Ҳар бир байрамда, туғилган кунларда дастурхон ёзиб фарзандларини кутиб ўтирадилар. Лекин ҳар доим бир хил жавоб: — Ишдами, ота. Масъулиятли ишда ишласанг, уйнаб юрганмиз йўқ-ку, ахир. Пул юбориб турган бўлсанг. Мазза қилиб онам билан дам олиб юрмайсизми? — дейишади. Бироқ Отаназар ота фарзандларини, кутаверади- кутаверади.

Баҳорнинг охириги ойи, май ҳам келди. Отаназар ота ҳовлисидаги мўжазгина боғида ишлаётганида кўксиди олдин ҳеч ҳис қилмаган ғалати бир оғриқ сезди...

Давом эттириш!

САВОЛЛАР:

- 1. Тошбақалар қайси материкда яшамайди?
2. Қайси сайёрани қизил сайёра деймиз?
3. Қайси буюқ расом бир вақтнинг ўзида ҳам ўнг қўлида, ҳам чап қўлида ёза олган?
4. Бизда шундай масаллик борки, у фақат бир таомга солинади, аммо биз уни истеъмол қилмаймиз?
5. Ирқий камситишнинг (ирқчиликнинг) энг ашаддий кўриши қандай номланади?
6. Хитойда қимми "Ислохотларнинг отаси" деб аташган?
7. Япония қайси океан билан чегарадош?

Ирода ШАМСИЕВА тайёрлади.

Хориждан гапираимиз

Хiaomi ноодатий камерани ўйлаб топди

Хiaomi қизиқарли флагманлар ва концептуал смартфонлар билан фойдаланувчиларни хайратга сола олади. Бу сафар компания смартфон экранни остида айландиран камерани патентлади.


Одатий ҳолатда смартфоннинг барча камералари орқа тарафга йўналган. Селфиға тушиш керак бўлганда эса модуллардан бири 180 даражага бурилади - схематик тасвирларда у тўқ сариқ доира билан кўрсатилган. Айланш тизими магнит узатма ёрдамида амалга оширилган. Таъкидланишича, "магнит қисм" бурилади-ган камеранинг орқа томон блокига қўтирилган.

Компания ушбу янги технологияни ўз смартфонларида қачон қўллаши номаълум. Бунга қадар Хiaomi компанияси ўзининг цилиндр-смартфонини намойиш этганди.



Тиш қўйувчи стоматолог-робот

Хитойда беморларга тиш қўйишга қодир робот яратилди. Гаджет хозирча барча текширувлардан ўтган ва инсонларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатмоқда, деб хабар беради "Korrespondent.net".




Таъкидланишича, имплантларни ўрнатишдаги ҳа-толик 0,2-0,3 миллиметрни ташкил этади, бу эса тиббиётда норма ҳисобланади. Робот дастурлаштирилган алгоритмлари ёрдамида автоном режимда ишлаш олади. Экспертларнинг айтишича, робот барибир стоматолог-инсон ўрнини эгаллаш олмайдми. Шифокор уни назорат қилиб туриши, беморга консультация бериши ҳамда қўрилма девайсини тишни алмаштириш дастурига созлаши лозим. Робот даволашда техник ишни амалга ошира олади, холос.

Қуёш тизимида субнептун сайёра аниқланди

Қуёш тизимида ўлчам жиҳатидан Ердан уч баробар катта янги субнептун сайёраси аниқланди. М бити сайёраси атрофида айландиган янги экзосайёра TOI-269 b номини олган.

TOI-269 b Ердан тахминан 186 ёруғлик йили узоқлигида жойлашган. У ўлчам ва бошқа тавсифлари сабаб субнептун тоифасига киради. Субнептун деяр radiusi ердан катта, бироқ зичлиги камроқ бўлган сайёраларга айтилади. Бу каби сайёралар, шунингдек, "ота-она юлдузлар"га жуда яқин жойлашади ва уларнинг таъсирига - радиациясига дучор бўлади.

Хусусан, яқинда аниқланган "ўзга олам" Ердан 8,8 баробар массивроқ ва ўз юлдузи атрофида ҳар 3,7 кунда айланади. Кузатувлар TOI-269 b "ота-она юлдузлари"дан тахминан 0,0345 астрономик бирликка ортда қолади, сайёра ҳарорати эса Цельсий бўйича 257 даражани ташкил этади.



Ойни кўриш учун чипталар сотиш бошланди

Австралиянинг Qantas авиакомпанияси 26 май кунни кечаси супер Ой ҳодисасини кузатиш мумкин бўлган рейс учун чипталар савдосини бошлади, деб хабар беради Esquire. Мазкур табиат ҳодисасида Ой Ерга максимал даражада яқинлашади.



Ушбу рейснинг экономклассидаги ўрин учун 499 Австралия доллари (389 АҚШ доллари), премиум-эконом учун - 899 (700 доллар), бизнес-класс учун эса 1499 (1170 АҚШ доллари) доллар тўлаши лозим. Бизнес-класс йўловчилари учун рейс аввалида коктейл кечаси ўтказилади, парвозни эса астроном изохлаб боради.

Boeing 787 самолёти ўз парвозини Сидней Халқаро аэропортидан бошлайди. Самолёт 13 километрга яқин балангликка кўтарилди, парвоз траекториясини учувчилар Ванесса Мосс астрономлари билан келишиб олади. Март ойида Qantas авиакомпанияси йўловчилар қарерга учанликларини фақат кўниш вақтида биладиган "сирли рейсларни" йўлга қўйганди. Маълум қилинишича, парвозларнинг ҳар бири икки соатга яқин давом этади, саёҳат эса бир кунга мўлжалланган. Бу орқали компания ходимларни иш билан таъминлашни ва маҳаллий туроператорларни қўллаб-қувватлашни режалаштирганди.

Букланувчан экранли iPhone

TFI Securities таҳлилчиси Мин-Чи Куонинг маълум қилишича, Apple 2023 йилда экранни қатланадиган 8 дюймلى iPhone ишлаб чиқариш ҳақида ўйламоқда. Мин-Чи Куо Apple компаниясининг ишлаб чиқариш режалари бўйича энг обрўли мутахассисларидан бири ҳисобланади.

Куонинг сўзларига кўра, Apple 2023 йилда 15-20 миллион дона букланувчан экранли iPhone тақдим этади.

Таъкидланишича, букланувчан iPhone'га QHD+ сифатни қўллаб-қувватлайдиган 8 дюймلى OLED-дисплей ўрнатилади. Букланувчан дисплейларни Samsung етказиб беришига қарамай, Apple кумуш нанотола ёрдамида букланувчан конструкцияни такомиллаштиришни мақсад қилган. Ушбу материалдан хозирда HomePod "ақлли" колонкалари экраниди фойдаланилмоқда.

Мин-Чи Куонинг сўзларига кўра, Apple'нинг янги ривожланиши смартфонлар, планшетлар ва ноутбуклар ўртасидаги сегментацияни бузиши мумкин ва бу эса охир-оқибат бозорни ўзгартиради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Босишга топшириш вақти: соат 10.00 да. 2021 й. 15 май. Босишга топширилди: соат 10.00 да

Навбатчи муҳаррир: А.АБДУРАЙМОВ.

Баҳоши келишиган нарҳда

Саҳифаловчи: В. АБАЗОВ.

Тижорат материал

Нашр индекси 5588

"ОТАЖОН, СИЗНИ ҲАЖГА ОЛИБ БОРАМАН"

Хотира - вужудининг бир парчасини, бутун борлигини қаро ерга қўйиб, унинг яна қайтиши, эшикдан "Онажон", дея кириб келишига ўзини ишонтирган, йўлларга интизор термулган Она тимсоли... Хотира - фарзандини тушларида бўлса-да яна бир бор кўришга муштоқ, аммо тунсоли дарддан мунгайиб бедор ўтказган Она тимсоли...

Хотира - малакали шифокор бўламан, неча-неча инсонларнинг хасталиқларини даволаб, ҳаёт йўлини яна илдам давом эттиришига кўмаклашаман, деган эзгу умидлар билан юрган, лекин тақдирнинг қисмати билан мақсадларига эришиш насиб қилмаган, ҳаётининг энг гуллаган палласида узилган гулдек сўлган жигарбандим тимсоли...

Яқинда оиламиз билан жуда оғир жудаликни бошимиздан ўтказдик. Кўзимизнинг оқ-у қораси бўлган фарзандимиз энг навоқирон, қалби яшаш, янги мақсадларга эришиш истагига тўла пайтида, эндигина 21 ёшни қаршилаган вақтда бахтсиз ҳодиса сабабли бу оламини тарк этди. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 4-босқичида таълим олаётган ўғлим 13-январь кунни дарсдан қайтаётган икки дўсти билан бирга муҳдиш автоҳалокатга учради. Афсуски, Рамизжон билан бирга бўлган ўртоқлари ҳам тақдир қўйган тузоқнинг қурбонлари бўлишди...

Ўғлим Рамизжон қўлидан келганча савобли ишлар қилишга ҳаракат қилар, ёшлигидан атрофдагиларга ёрдам берар, кўмакка муҳтож инсонларнинг оғирини енгил қилишга интиларди. Айна тиббиёт соҳасини танлашининг ҳам сабаби шу, аслида. У: "Хасталикларга чалиниб ҳаётга, яшашга бўлган умиди сўнган инсонлар қалбида умид уйғотсам, дардлари шифо топиб, соғликлари аввалгидан-да мустаҳкам бўлишига, умрларининг қолган қисмининг бахтли ўтказишларига озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўша олсам, шунинг ўзи мен учун катта бахт" - дер эди доим.

"Дадажон, сизни Ҳажга олиб бораман" - дея тақорларди. У ҳар гал шу сўзларни айтганда ўғлим билан фахрланар, менга шундай қобил фарзанд ато этгани учун Яратганга шўқроналар айтар эдим. Ҳаётнинг шафқатсизлигини қарангки, айна ҳаётдан

МУДОМ ҚАЛБИМДАСАН?

Хазонрез боғларга булбул кўнмайди, Сенсиз қалбим шодлик нима, билмайди. Ўртайдми қалбимни ҳаммаша армон, Унинг нолишига чидаб бўлмайди.

Орзулари бисёр бўлган, болам-а, Баҳор келмай қуриб, сўнган лолам-а. Сенсиз ҳаёт жаҳаннамнинг ўзидир, Осмон титрат, тоғлар йиғлар нолама.

Суратингга термуламан кўзда ёш, Айрилиққа юрак беролмас бардош. Орзуларини танҳо сенга сўзлардим, Менга энди мудом қайғулар йўлдош.

Шароф ХУШБАКОВ, Паст Даргом тумани.

Муҳаррир: Ваҳобжон АБАЗОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ(рас),Фазлиддин РЎЗИКУЛОВ, Отабек ГАЙБУЛЛАЕВ, Шаҳобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аззолар)

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй. Телефон: +99893 359-73-78

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «INTELLEKT» газетаси таҳририяти компьютерида саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй. Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: №

Таҳририятга келган кўлөзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуктаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.